

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА АСЛИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ВА МИЛЛИЙ
КОЛОРИТИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ОЗОД ШАРАФУДДИНОВ
ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)**

Рустам Хусниддинович ШАРИПОВ

доцент

Филология фанлари доктори

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

Зилола Тураевна ХУЖАНИЯЗОВА

Мустақил изланувчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: zturayevna@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-1006-588X>

Аннотация

Ушбу мақолада асарда тасвирланган давр руҳи ва муаллифнинг индивидуал услубини бошқа тил муҳотида қайта тиклаш масаласи таржимон маҳорати билан боғлиқлиги Озод Шарафуддинов таржималари таҳлили орқали ёритилган.

Таянч сўзлар: аслият матни, таржима матн, тарихийлик тамойили, таржимон услуби, “Иқрорнома”, “Алкимёгар”.

**ВОПРОСЫ СОХРАНЕНИЯ ИСТОРИЧЕСКОГО И
НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА ОРИГИНАЛА В
ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ (НА ПРИМЕРЕ ПЕРЕВОДОВ
ОЗОДА ШАРАФУДДИНОВА)**

Рустам Хусниддинович ШАРИПОВ

Доцент

доктор филологических наук

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

Зилола Тураевна ХУЖАНИЯЗОВА

независимый исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

Email: zturayevna@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-1006-588X>

Аннотация

В данной статье на основе анализа переводов Озода Шарафуддинова рассматривается вопрос воссоздания духа эпохи и индивидуального стиля автора в иной языковой среде в тесной связи с мастерством переводчика.

Ключевые слова: оригинальный текст, переведенный текст, принцип историчности, стиль переводчика, «Исповедь», «Алхимик».

Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига маҳорат билан ўгириш анъанаси узоқ ва бой тарихга эга. Асрлар мобайнида дунё адабиётининг бебаҳо намуналари халқимизнинг маънавий мулкига айланиш баробарида бадиий таржима бўйича ўзига хос миллий ижодий мактаб ва илмий анъаналар шаклланиб келган. Ўзбек адабиётшунослигининг узвий қисми бўлган таржимашунослик соҳаси бугунги кунда мустаҳкам назарий ва методологик базага эга фан сифатида қарор топди. Ушбу соҳанинг тарихий илдизлари, таржима назарияси ва амалиётининг интеграцияси, шунингдек, аслият ва таржима матни ўртасидаги мутаносиблик масалалари юзасидан кўплаб фундаментал тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, кейинги даврда таржима жараёнида юзага келадиган лингвомаданий тўсиқлар ва уларни бартараф этишнинг илмий ечимлари, таржима танқидининг мезонлари тизимли равишда ўрганила бошлади.

Китобхонлар оммасининг эстетик диди ва дунёқарашини юксалтиришда таржиманинг ўрни мустаҳкамланиб бораётган бугунги глобаллашув даврида таржимашунослик олдида янги сифат босқичидаги талаблар турибди. Ҳозирги кундаги илмий изланишлар марказида аслиятнинг тарихий ва миллий колоритини сақлаш, таржимон маҳорати, ўзга маданиятга оид матн руҳини тўғри талқин қилиш каби масалалар туради. Асар ёзилган давр руҳи ва муаллифнинг индивидуал услубини бошқа тил муҳитида қайта тиклаш масаласи таржимон маҳорати билан боғлиқ, албатта. Бу эса таржимондан нафақат юксак адабий дид, балки ёзувчи, тилшунос, маданиятшунос сифатидаги салоҳият, сўз танлашдаги зукколикни талаб қилади. Шу тариқа, замонавий ўзбек таржимашунослиги шунчаки матнни бир тилдан иккинчи тилга кўчириш эмас, балки аслиятнинг руҳий-маънавий қатламларини, муаллифнинг бадиий мақсадини сақлаган ҳолда қайта ижод қилиш санъати сифатида тадқиқ этилмоқда.

Мустақиллик йиллари таржима санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлардан бири Озод Шарафиддинов (1925–2005) нафақат забардаст адабиётшунос ва мунаққид, балки жаҳон адабиёти дурдоналарини

Ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган таржимон, таржима амалиётининг етук намояндаларидан бири ҳисобланади. Унинг таржималари жаҳон адабиётининг нозик жиҳатларини ўзбек ўқувчисига етказишда улкан аҳамиятга эга. Озод Шарафиддиновнинг қаламида она тилимиз хазинасидаги ҳар бир сўз янгидан-янги имкониятларини намоён қилади, беқиёс фалсафий мазмун ва моҳият касб этади. Филология фанлари доктори, профессор Б.Каримов тўғри таъкидлаганидек: “Озод Шарафиддинов ўзбек тилининг ҳам жонкуяри эди. Фикрини оғзаки тилда равон баён қилганидек, ёзма тили, услуби ҳам, ёзган барча асарларининг тили ҳам ниҳоятда жозибали эди. Тил тўғрисида қатор махсус мақолалар ёзган устознинг айна фазилати бошқа кўпгина олимларга ўрнак бўларлиқдир” [5;218].

О.Шарафиддинов таржималарида тарихийлик тамойили нафақат услубий ёндашув, балки таржима фалсафасининг ўзагини ташкил этади. Тарихийлик тамойили (ёки контекстуаллик) шуни англатадики, таржимон асарни фақат унинг лингвистик шаклига эмас, балки унинг яратилган даври, маданияти, ижтимоий-сиёсий муҳит ва муаллиф дунёқараши контекстида талқин қилиши ва қайта ифодалаши керак.

Озод Шарафиддинов учун бу тамойил икки асосий йўналишда намоён бўлади:

1. Манбанинг асл контекстини сақлаш орқали асарда тасвирланган даврга хос бўлган ижтимоий, руҳий ва бадиий атмосферани ўзбек тилига ўтказиш.
2. Ўзбек тилининг ўша давр руҳига мос тарихий меъёрини танлаб, ўзбек адабий тилининг умумий тарихий тараққиётига мос ҳолда тасвирлашга эришиш.

О.Шарафиддинов таржималаридаги энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, асардаги этник, тарихий, диний ёки ижтимоий-маиший атамаларни ўзбек тилига ўгиришда асарнинг тарихий колоритини сақлаб қолишга интилади. Рус ёзувчиларининг асарларини ёки Европа ва араб-форс адабиётидан айрим намуналарни рус тилидаги вариантларидан таржима қилар экан, ўша даврнинг ижтимоий тузилмаларига хос, масалан, рус дворянлиги ёки араб фалсафасига

оид атамаларни ўзбек тилида аниқ ва тарихий жиҳатдан тўғри ифодалашга интилан.

Устоз таржималарида муаллифнинг услуби ўша давр услубига мос келиши муҳим роль ўйнайди. Таржима бу фақат лингвистик ўтириш эмас, балки икки маданият ўртасида кўприк қуришдир. Тарихийлик тамойили бу кўприкнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Ўқувчи, масалан, Лермонтов ёки Чехов асарларини ўқиётиб, ўша даврдаги Россия ҳаётининг руҳини ҳис қилиши шарт. О.Шарафиддинов бунинг учун тарихий контекстни тартибга солувчи бадиий-эстетик ечимларни топишга интилан. Унинг асарларида муаллифнинг ниятлари, даврнинг ижтимоий-маданий ўзига хослиги ва ўзбек тилининг тарихий имкониятлари ўртасида мувозанат ўрнатилган. Бу ёндашув унинг таржималарини нафақат лингвистик, балки маданий-тарихий ёдгорлик даражасига кўтаради.

Тарихийлик тамойили Озод Шарафиддинов талқинида ўзига хос муҳим жиҳатларда намоён бўлади. У Лев Толстой ёки Фёдор Достоевский асарларини таржима қилганда, XIX аср Россиясига хос бўлган нутқ маданияти, кишилар ўртасидаги муомала одоби ва ижтимоий табақаланиш акс этган сўзларни ўзбек тилининг бой имкониятларидан келиб чиқиб танлаган.

Озод Шарафиддинов учун таржима – бу шунчаки матн кўчириш эмас, балки ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприк эди. У танлаган асарлар, масалан, Лев Толстойнинг «Иқрорнома»си таржимасида муаллифнинг руҳий изтироблари, эътиқоди ва фалсафий қарашларини аниқ ифодалаш орқали асарнинг тарихий-биографик қимматини сақлаб қолган. А.Камюнинг «Вабо» романи таржимасида эса ўз даврининг маънавий инқирозларини акс эттириш билан бирга, ўзбек китобхони учун ҳам долзарб бўлган тарихий-фалсафий муаммоларни кўтариб чиққан. Олимнинг таржималарида тарихийлик тамойили – бу асарнинг яратилган вақти, муаллиф услуби ва тил хусусиятларининг узвий бирлигидир. Унинг меҳнати туфайли жаҳон адабиёти намуналари ўзбек тилида ўзининг тарихий қиёфасини йўқотмаган ҳолда янги ҳаёт топган бўлиб, “тарихийлик” фақат ўтмишга боғланиш эмас, балки

асарнинг ўз давридаги ижтимоий-маънавий аҳамиятини бугунги кун нуктаи назаридан қайта кашф этишдир.

Озод Шарафиддинов таржима санъатида, айниқса, Лев Толстойнинг «Иқрорнома» ва Паоло Коэлонинг “Алкимёгар” асарлари мисолида тарихийлик ва бадиий маҳорат қандай намоён бўлишини кўриб чиқамиз. Бу икки асар икки хил давр ва икки хил маданият маҳсули бўлса-да, мутаржим уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашган.

Лев Толстойнинг «Иқрорнома» асари шунчаки адабий матн эмас, бу – буюк адибнинг диний-фалсафий изланишлари тарихидир. Асарда XIX аср Россиясидаги ижтимоий ва мафкуравий инқироз тасвирланади. Асарнинг асл нусхасида христианликка хос диний терминлар ва эскирган славян иборалари кўп. Озод ака уларни ўзбек китобхонига тушунарли қилиш учун ислом маданиятидаги *тавба*, *имон*, *гуноҳ*, *нажот*, *нафс*, *эътиқод*, *ақоид* илоҳий ва тасаввуфий тушунчалардан моҳирона фойдаланиб, асар мазмунини ҳалқимизнинг исломий-фалсафий дунёқарашига яқинлаштирган. Бу эса асарнинг маънавий тарихийлигини сақлаган. Озод Шарафуддинов Л.Толстойнинг мураккаб, таҳлилий ва ўта самимий услубини сақлаб қолган.

Маълумки, Толстойнинг жумлалари жуда узун ва мураккаб шаклланган. О.Шарафиддинов бу жумлаларни майдалаб юбормай, адибнинг фикрлаш тизимини ва ўша даврга хос интеллектуал салоҳиятининг нутқ услубини сақлаб қолган.

Аслиятда:

И я понял, что знания эти очень интересны, очень привлекательны, но что точны и ясны эти знания обратно пропорционально их приложимости к вопросам жизни: чем менее они приложимы к вопросам жизни, тем они точнее и яснее, чем более они пытаются давать решения на вопросы жизни, тем более они становятся неясными и непривлекательными.

Таржимада:

Шунда англадимки, бу илмлар жуда қизиқарли ва жозибали, аммо бу илмларнинг аниқлиги ва равшанлиги уларнинг ҳаёт саволларига татбиқ

қилинишига тескари мутаносибдир: улар ҳаёт масалаларига қанча кам татбиқ қилинсалар, шунча аниқроқ ва равшанроқ бўладилар, ҳаёт масалаларини ҳал қилишга қанча кўпроқ ҳаракат қилсалар, шунча мукамалроқ ва жозибасизроқ бўла борадилар.

Таржимон асарнинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Иқрорнома»ни муаллиф 1879 йилда, яъни 51 ёшида ёза бошлаган, лекин унинг мазмуни ҳақида, асарда қўйилган ахлокий-маънавий ва фалсафий масалалар тўғрисида камида 20 ёшидан ўйлай бошлаган. Демак, асар дафъатан туғилган, бирдан эсга тушиб қолган, фикр-мулоҳазаларга асосланган эмас. Эҳтимол, шунинг учундирки, у бугунги китобхон учун ҳам ғоятда ардоқли, унинг маънавий янгилинишида ғоятда сезиларли тиргак бўладиган асардир» [12;3-5].

Паоло Коэльо қаламига мансуб «Алкимёгар» асари жаҳон адабиётидаги энг машҳур метафорик романлардан биридир. Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов томонидан амалга оширилган таржима нафақат бадиий маҳорати, балки асарнинг мазмун-моҳиятини ўзбек китобхонининг дунёқарашига мослаштиргани билан ҳам ажралиб туради. «Алкимёгар» воқеалари Андалусия (Испания) ва Миср саҳроларида бўлиб ўтади. Озод Шарафуддинов таржимасида бу ҳудудларнинг тарихий колорити жуда аниқ берилган.

Асардаги алкимё тушунчаси нафақат кимёвий жараён, балки маънавий покланиш йўлини ҳам англатади. Алкимё илмининг илдизлари Шарққа бориб тақалишини ҳисобга олсак, Озод Шарафуддинов талқинида бу тушунчалар худди бизнинг тарихий рисолаларимиздагидек табиий янграйди. Таржимон воқеликни тарихий ва фалсафий контекстда шундай ифодалайдики, ўзбек китобхони қадимий бир ҳикмат сифатида қабул қилади. Асарда муайян бир аниқ йил кўрсатилмаса-да, унда ўрта асрларга хос бўлган карвонлар, қароқчилар, бозорлар ва қироллар образи мавжуд. Озод Шарафиддинов ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, «карвонбоши», «сорбон», «мусофир», «дарвеш» каби сўзларни қўллаш орқали асарнинг тарихий

мухитини жонлантирган. Олим бу тушунчаларни шунчаки таржима қилмай, балки ўзбек халқига хос бўлган диний ва тарихий тушунчалар билан бойитиб, асарнинг “тарихий руҳи”ни янада жонлантирган. Бу эса асарни замонавий эртақдан кўра, қадимий кўлёзма ёки ривоят даражасига кўтарган. О.Шарафиддинов сўзларни шундай танлайдики, унда ҳам тарихий воқелик, ҳам абадий фалсафий муаммо акс этади.

Озод Шарафиддиновнинг маҳорати шундаки, ҳар икки асарнинг ўзига хос баён услубини, ёзувчининг бадиий-эстетик ниятини сақлаб қолган.

	Хусусият	«Иқрорнома» (Л.Толстой)	“Алкимёгар” (П.Коэло)
1	Етакчи мотив	Диний-маънавий изланиш, руҳий покланиш.	Инсонийликни сақлаб қолиш ва ёвузликка қаршилик кўрсатиш
2	Баён услуби	Патетик, ваъзхонликка яқин.	Саргузаштли, рамзий ва ҳикматли.
3	Тарихийлик тамойили	Классик анъаналарни сақлаш.	Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб цивилизацияси.

Озод Шарафиддинов шунчаки таржимон эмас, у олим-таржимон эди. У асарни ўгиришдан олдин муаллиф яшаган даврнинг тарихий ҳужжатларини ўрганар, асарнинг дунё адабиётшунослигида қандай баҳоланганини таҳлил қилар, ўзбек тилининг ўша давр руҳини бера оладиган қатламларини кидириб топарди.

Таржимашуносликда “”тарихий стилизация” тушунчаси маълум бир адабий услубнинг асосий хусусиятларини қайта тиклашни назарда тутди. Филология фанлари доктори, Москва давлат университети профессори В.С.Виноградов "тарихий стилизация"ни ўқувчи ўқиш пайтида ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмасдан, тарихий лаззатни ҳис қиладиган тарзда бегона маданият ва вақт мухитини қайта тиклаш сифатида тушунишни таклиф қилади [1;24]. Озод Шарафиддинов таржималарида, хусусан, Лев

Толстойнинг “Иқрорнома”, Паоло Коэльонинг “Алкимёгар” асарлари таржимасида ҳам ана шу хусусият бўртиб кўринади. Яъни китобхон таржима асарни худди аслият каби қийналмай ўқий олади ва воқеликни ўз миллий онгига хос тарзда ҳис қила олади. Шу тариқа, ҳар икки асар тилининг равлонлиги, фалсафий теранлиги ва миллий руҳга мослаштирилганлиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, Озод Шарафиддинов ҳар икки асарни таржима қилар экан, шунчаки матнни тилдан тилга ўтказмаган. У тарихийлик тамойилига амал қилиб, тасвирланган давр ва муҳит нафасини сақлаган ҳолда, уларни ўзбек китобхонининг қалбига яқинлаштирган. Унинг таржималарида миллий бадиий тафаккур ва жаҳон фалсафаси уйғунлашган.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). – Москва: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. – 224 с.
2. Жирмунский В.Б. Теория литературы. – Ленинград: Наука, 1977.
3. Исомиддинов З. Таржима ва тил. – Тошкент: Адабиёт, 2024.
4. Йўлдошев У.Р. Насрий таржиманинг ўзига хос муаммолари // Хорижий филология, 2020. – №3. – Б. 103-109.
5. Каримов Б. Чин маънодаги фидойи. Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.–Тошкент: O`zbekiston, 2007.
6. Каримов Н. Таржима санъати ва жаҳон адабиёти // Жаҳон адабиёти, 2017. – №10. – Б.185–190
7. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент, 1978.
8. Саломов Ғ. Тил ва таржима – Тошкент: Фан, 1966.
9. Ас-Салом, Ғайбулла. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт, 2023.
10. Ас-Салом, Ғайбулла. Эй умри азиз. –Тошкент: Шарқ, 1997.
11. Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – Москва: Наука, 1958.

12. Шарафиддинов О. Буюк адибнинг иқрорномаси. Кириш сўз // Л.Толстой. Иқрорнома. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.3-5.
13. Шарафиддинов О. Чўлпон – таржимон // Гулистон, №2, 1990. – Б.16-17
14. http://mustaqillik.uz/uz/pages/Ozod_Sharafiddinov
15. Қаҳҳор А. Таржимачилик ташвишлари // Литературная газета, 1962 г., 17 март.